FARG‘ONA VILOYATI QO‘SHTEPA TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

2021 - yil 4 - iyul 9-11-157-Q/21 Qo‘shtepa tuman hokimligi

4Н-859 Қумтепа-Болтакўл-Меҳнатобод автомобиль йўлига 3.20 «Қувиб ўтиш таъқиқланади” йўл белгисини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги *Қонунининг* 5,7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори*га* мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБнинг туман ҳокимлигида 2021 йил 28 февраль кунги 40/16-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун*нинг* 6, 25-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ИИБнинг 28 февраль кунги 40/16-сонли хати инобатга олинсин;

2. 4Н-859 Қумтепа-Болтакўл-Меҳнатобод автомобиль йўлига 3.20 «Қувиб ўтиш таъқиқланади” йўл белгисини ўрнатишга белгиланган тартибда рухсат берилсин;

3. “Истиқбол йўли” газетаси тахририяти (У.Худойберганова), Ахборот хизмати рахбари (Ё.Қосимова) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши тавсия этилсин;

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Б.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **И.В. Новиков**